

---

## “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” тадбирлари давом этмоқда

Қува тумани ҳудудида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” муносабати билан Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

Қува туманидаги Абу Али Ибн Сино номидаги жамоатчилик саломатлиги техникуми биносида вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари ҳамда тумандаги масъул ташилотлар иштирокида давра суҳбати ўтказилиб 2022-2023 йил куз-қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар тавсиялар берилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган давра суҳбатида умумтаълим мактаби директорлари, мактабгача таълим ташкилотлари мудирлари иштирок этиб соҳада ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

2022-12-02 20:21:37